Ушбу сонда:

2 *Орамиздаги одамлар* **КЎЗ ҚЎРҚОҚ, ҚЎЛ БОТИР**

3 **«ДАВЛАТҚА ЕТИБ МЕҲНАТ ЭЛИН УНУТМА...»**

4 *Эртани ўйлаб* **ОММАВИЙ МУСОБАҚАЛАР КУНИ**

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 14 феврал, сешанба № 26 (2075)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ХОРАЗМЛИК МУТАХАССИСЛАР КЎМАГИДА

Навоий шаҳридаги «Ишонч-Гилам» ишлаб чиқариш савдо фирмаси раҳбари, тадбиркор Шокир Холназаровнинг ташаббуси билан гилам тўқиш корхонаси ишга туширилди.

Корхонага Германияда ишлаб чиқарилган йигирув ва тўқув дастгоҳлари ўрнатилди. Ишга қабул қилинган ўттиз нафар йигит-қиз хоразмлик мутахассислар кўмагида касб-маҳоратини оширди. Бундай саъй-ҳаракатлар қисқа фурсат ичидаёқ ўз самарасини бермоқда: корхонада ўтган йили қарийб 5 минг квадрат метр гилам- поёндозлари ишлаб чиқарилиб, 20 миллион сўмдан зиёд даромад қилинди.

Бу йил ҳам корхона фаолиятида ана шундай ўсишни кузатиш мумкин. Масалан, январь ойининг ўзида корхонада 800 квадрат метр арзон ва сифатли гилам тайёрланиб, савдога чиқарилди.

Корхона жамоаси йил давомида истеъмолчиларга 10 минг квадрат метр гилам етказиб беришни мўлжалламоқда.

(ЎзА)

ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 феврал куни Оқсаройда Россия Федерацияси Федерал мажлисининг Давлат думаси раиси Борис Гризловни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россиянинг ҳамкорлик алоқалари иттифоқчилик муносабатларига мос равишда изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

- Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик юксак даражада ривожланиб бораётир, - деди Ислом Каримов. - Алоқаларимиз икки мамлакат манфаатларига бирдек мос келади. Сўнгги вақтда ўтказилган учрашувлар, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Россия ҳамкорликни ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантириб бораётганидан далолатдир.

Таъкидламоқ лозимки, ўзаро муносабатларни ривожлантиришда икки мамлакат парламентларининг алоқалари ҳам алоҳида ўрин тутмоқда. Б.Гризловнинг Ўзбекистонга ташрифи бунинг яна бир тасдиғидир. Мазкур ташриф мамлакатларимиз олий қонун чиқарувчи органлари йўналишида ҳам ҳамкорликни янада юксалтириш борасида амалий ишга киришилганидан далолатдир.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон-Россия муносабатларининг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши муносабати билан ушбу тузилма доирасида амалга оширилиши лозим бўлган шартномавий-ҳуқуқий жараёнлар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Б.Гризлов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

(ЎзА)

РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал мажлисининг Давлат думаси раиси Б.Гризлов раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида имзоланган ҳужжатлар бу борада муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Айниқса, ўтган йилнинг ноябр ойида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам асос бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар ҳамкорликни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, истиқболда бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Б.Гризлов Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб киришини муҳим воқеа деб баҳолади. Парламентлараро алоқалар ушбу ташкилот доирасида ҳам муваффақиятли давом этишига ишонч билдирди.

(ЎзА)

Касаба уюшмалари: кеча, бугун, эртага

ИМКОНИЯТ ҲАМИША БОР

ундан ўринли фойдаланиш — ютуқлар гарови

Касаба уюшмаларининг мавқеи, фаолиятининг аҳамияти ҳақида турли фикрлар айтилмоқда. Асосий гап эса амалий ишларда ва уларнинг пировард натижасидадир ва бундан меҳнаткашларга қанақа наф етаётганидадир. Ҳавойи режалар, мақсади ноаниқ шартномалар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

— Шунинг учун бугун фаолиятни аниқ вазифаларга қаратиш керак, - дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд туман кенгаши раиси В.Муҳсинов. — Бирор масаланинг амалий ечимини истаб мурожаат қилган ходимга имкон даражасида ёрдам бериш шарт. Бу кўплаб омилларнинг бири. Аввало касаба уюшмаси меҳнат жамоасининг, ҳар бир ходимнинг дарду ташвиши, муаммоларидан хабардор бўлиши керак. Ишни ана шу масалалар ечимига қаратиш зарур. Буни мақсадли қарорлар қабул қилиш ва улар ижросини таъминлаш орқали амалга ошириш мумкин.

Туман тармоқ касаба уюшма кенгаши фаолиятининг айрим қирраларига назар ташлабоқ умуман ишлар қандай ташкил этилганини илғаб олиш мумкин. Масалан, ўтган йили "Сиҳат-саломатлик йили" дастури доирасидаги вазифаларни бажаришга катта эътибор берилди. Тармоқда бу борадаги ишларни янада яхшилаш учун Кенгаш томонидан бир неча қарорлар қабул қилинди ва ижроси таъминланди. Шунинг натижаси ўлароқ, барча муассасаларда кўплаб соғломлаштириш ва спорт тадбирлари ўтказилишига эришилди. Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш, соғломлаштириш, даволаш, шу мақсадга моддий ёрдам ажратиш алоҳида назоратда бўлди. Кенгаш қарорига кўра моддий ёрдам ҳажми ва сонини оширишга эришилди. Бундай ҳимматдан 100 дан ортиқ ходимлар баҳраманд бўлишди. Ўнга яқин нафақахўр ва имтиёзга эга ходимларга сиҳатгоҳларга текин йўлланма берилди.

Фаоллар билан ҳамкорликда ижтимоий мониторинг ўтказилиб, кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар яшаш жойларидаги ҚВПларга биркитиб қўйилди. Йил давомида уларга зарурат қараб малакали тиббий хизмат ва бирламчи ёрдам учун дори-дармон ажратилди.

Ёзги мавсумда ўқитувчи ва ходимларнинг фарзандлари режага мувофиқ "Ситора" ва "Алпомиш" оромгоҳларида дам олдирилди. Равонак қишлоғида очилган кундузги оромгоҳда 300 нафар бола соғломлаштирилди. Жойларда ўтказилган кўплаб оммавий спорт мусобақалари ҳам ходимларнинг жисмонан тетик бўлишини, касалланишларнинг олди олинишини таъминлади.

Ўтган йили қўлланилган яна бир муҳим тадбир меҳнат шароитини яхшилаш ва меҳнат муҳофазасини кучайтиришда жамоатчилик назорати жорий қилингани бўлди. Ўз-ўзини бошқарув ва ўз-ўзини назорат тариқасидаги бу омил жойларда кўпгина масалалар ечимига йўл очди. Кўпчиликнинг эътибори, фикри, талаби туфайли газ ва электрдан фойдаланиш яхшиланди, мактаб ва МТМларда ускуналарнинг хавфсиз ишлатилишига эришилди. Туман ХТБ билан келишган ҳолда бу борада кўрик-танлов ўтказилди. Меҳнат муҳофазаси соҳасида жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этган ва нуқсонсиз фаолиятга эришган 21 ва 2-мактаблар ғолиб деб топилиб, мукофотланди. Бу муассасаларда раҳбар ва касаба уюшма етакчисининг ҳамкорликда ишлаш тажрибасига бошқаларнинг эътибори қаратилди.

Ҳеч қачон осмондан чалпак ёғмайди. Масалага оқилона ёндошилса, имконият ҳамиша топилади. Уни излаб топиш, самарали фойдаланиш касаба уюшма ташкилотининг мавқеини мустаҳкамлаб, обрўсини оширади, холос.

Рустам ҚУРБОНОВ,
"Ишонч" мухбири

СИФАТЛИ АЛОҚА – ДАВР ТАЛАБИ

Бўз туманида яқин кунларда янги рақамли алоқа станцияси ишга тушиш арафасида турибди. Янги рақамли станция 1700 абонентга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда туманда эски телефон рақамларини замонавий телефон станциясига алмаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Янги станция иш бошлаши билан 1160 та хонадон, 390 та корхона ва ташкилотлар нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки чет эллар билан ҳам тўғридан-тўғри сўзлашиш имконига эга бўладилар.

Суратда: муҳандис Муҳаммаддовуд Маматов

Ш.ОЛИМОВ
(ЎзА) олган сурат



Президентимизнинг ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Қизилтепа туманидаги собиқ «Тавоис» тажриба хўжалиги тугатилиб, унинг ўрнида 100 дан зиёд фермер хўжалиги ташкил этилди. Янги фермерларга техник хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида бу ерда «Тавоис- МТП» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

МТП - ФЕРМЕРЛАР ХИЗМАТИДА

Фермерларга техник хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олган корхона тўртта ҳайдов трактори, 23 та чопиқ трактори, 11 та культиватор, 14 та тиркама ва 8 та сеялкани баҳорги экиш мавсумига тайёрлаб қўйди. Шунингдек, фермерларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида ўнлаб янги техника харид қилиш режалаштирилмоқда.

«Тавоис-МТП» ташкил этилиши натижасида 50 та янги иш ўрни пайдо бўлди. Туманда бундай муқобил машина-трактор парклари сони шу йилнинг ўзида бештага етди. Бу эса фермерларнинг юқори натижаларга эришишлари учун катта қулайлик яратади.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ЧОРА КЎРИЛДИ, НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Аҳолига коммунал хизматлари кўрсатишни яхшилаш масаласи ҳукуматимизнинг доимо эътиборида. Қолаверса, бу долзарб иш бозор шароитлари талабига мослаштирилиб, фуқароларга қулайликлар яратилаётир. Шундай бўлса-да, айрим мутасаддиларнинг масалага бепарво қараётгани эътирозларга сабаб бўлмоқда. Дарвоқе, худди шу мавзу бўйича мухбиримиз Фарғона вилоятидан "Яна коммунал тўловлари хусусида" сарлавҳали мақоласи билан танқидий чиқиш килганди. Яқинда мутасадди ташкилотлардан мақолага билдирилган муносабат хатини олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади:

"Ишонч" газетасининг 2005 йил 198-сонида чоп этилган "Яна коммунал тўловлари хусусида" танқидий мақола вилоят газ-таъминот ҳудудий корхонасида тегишли мутахассислар иштирокида кенг муҳокама этилиб, "Риштонгаз" бўлими томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, ўрганиш ва таҳлиллар жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги "2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги қарорини бажаришда туман газ идораси раҳбари сусткашликка йўл қўйганлиги кўрсатиб ўтилди. Газ ҳисоблагич бўлими устаси М. Ҳидоятов ҳамда уй ичи хизмати ходими Н.Саидовлар лавозимидан озод этилди.

Ҳозирги кунда туман газ назоратчилари ва газ ҳисоблагич ўрнатувчи-пайвандчи усталар барча маҳалла фуқаролар йиғинига бириктириб қўйилган бўлиб, улар томонидан аҳолини газ ҳисоблагич приборларидан фойдаланиш қоидаларига ва сақлаш тартибига амал қилишни таъминлаши доимий назоратга олинган"

Р.ЖАЛИЛОВ,
Фарғона вилоят ҳокими ўринбосари

Наврўз нафаси

ОБОД УЙГА ФАРИШТА ҚЎНАДИ

Қадимий қадриятлар байрами Наврўз одамларни табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлишга, она замин бойликларини асраш ва кўпайтиришга ундайди. Қутлуғ айём яқинлашиши билан Қашқадарё кенгликларида дала ишлари, боғ - роғларни тартибга келтириш, яхши ният билан кўчат экиш авж олиб кетди.

Ўзининг 2700 йиллигига тайёргарлик кўраётган Қарши шаҳри аҳолиси Наврўзи айёмни кўтаринки руҳ, хуш кайфият билан кутиб олиш тараддудида. Вилоят ҳокимлиги томонидан эълон қилинган "Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш уч ойлиги" уюшқоқлик билан давом этмоқда.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Насафнинг 62 та маҳалласи ва элликдан ортиқ уй-жой мулкдорлари ширкатларида ариқларни тозалаш, гулзорлар барпо этиш, кўчат экиш, хиёбонлар, йўллар, кўприкларни тартибга келтириш, кўчалар ва хонадонларни ободонлаштиришга қаратилган ҳашарлар уюштирилаяпти.

— Обод уйга фаришта қўнади, деб бежиз айтишмаган, - дейди «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Али Равшанов. - Ҳудудимизда яшаётган ҳар бир киши касбидан қатъи назар ўзини яратувчи деб билади. Бу йилги кўкламда уч минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазамиз.

Шаҳарнинг Рогузар, Отчопар маҳаллалари, "Бинокор", "Нефтчи" уй-жой мулкдорлари ширкатларида йўллар ва кўчаларни, хонадонларни, турар-жойларни саранжом-саришталиги, озодалигини кўриб ҳавас қиласиз.

Янгидан бунёд этилган Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи, болалар дам олиш масканларида 10 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлар экилиб, анвойи гуллар ўсадиган хиёбонлар қулф урмоқда.

Озод Умиров раҳбарлик қилаётган хусусийлаштирилган ободонлаштириш корхонаси 32 гектарлик майдонда турфа хил ниҳоллар етиштираяпти. Хўжаликнинг 6та иссиқхонасида етти иқлимда ўсадиган гулларнинг уруғларидан кўчат етиштирилаяпти. Яқинда ишга туширилган 5 сотихли янги иссиқхонада 100 турдаги гул кўчатлари тайёрланиб, корхона, ташкилот, муассасалар ва аҳолига тарқатилаяпти.

Биргина Худойзод маҳалласида 10 минг туп, Хонтепа маҳалласида 2 мингдан зиёд, Усмон Юсупов ва Рогузар маҳаллаларида 3 минг тупдан кўпроқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

"Маҳалла" жамғармаси Қарши шаҳар бўлимидан хабар қилишларича, вилоят марказида 100 минг тупдан зиёд дарахт ниҳоллари экилди. Бу кўрсаткич Наврўз байрамигача 200 мингтага етказилади.

Шаҳарнинг қутлуғ тўйи олдидан қурилиш ва таъмирлаш ишлари янада кенгаймоқда. "Қашқадарёавтойўл" бирлашмаси тасарруфидаги Китоб йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармаси бунёдкорлари Қарши-Бешкент автомагистралининг темирйўл устидан ўтган кўтарма кўпригини таъмирлашни қизғин олиб боришаяпти. Бу муҳим ободончилик юмушига 200 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, шу кунгача 50 миллион сўмлик иш бажарилди.

Кўклам яқинлашгани сари қашқадарёликлар қалбида яратиш ва ижодкорлик туйғулари жўш уриб, аҳоли масканлари гўзал ва обод бўлаяпти.

И.НИШОНОВ

Бир хат изидан

БЕПИСАНД МУНОСАБАТ

натижада бир зиёли икки йилдан буён иш ўрнини тополмаётир

Бундан йигирма йиллар мукаддам Мамадали Ҳайдаров Избоскан туманидаги 29-ҳунар-техника билим юртида махсус фан ўқитувчиси сифатида ишлаб келарди. Мураббийнинг касбига фидойилиги избосканликларнинг назарига тушганди. Унинг жонбозлик билан техника билим юртида фан кабинети ташкил этилиб, ўқув хонаси ёзув машиналари, кондиционер, телетайп аппаратлари, МТЗ-80, ДТ-75 тракторлари, юк автомобилларининг двигателлари, эҳтиёт қисмлари билан жиҳозланди. Бу жиҳозлар, ускуналар туман "Узсельхозтехника" (90-йилларда шундай деб юритиларди) ташкилотига тегишли бўлиб, жамоа билим юртига ҳомийлик қилиб келарди. Устознинг мақсади талаба-ёшларнинг техникавий билимларини чуқурлаштириш, шу асосда ўқув-тарбия жараёнларини ишлаб чиқиш, амалиёт билан чамбарчас боғлаш, фан-техникага нисбатан қизиқишни ошириш эди.

Ҳунар-техника билим юрти нуфузининг ортишида жамоанинг изланишлари, меҳнатлари, ташаббускорлиги беқиёс эди, албатта. Илм масканининг қишлоқ хўжалигига, техника билан тиллашадиган, юксак малакали ташкилотчи, ишбилармон кадрлар етиштиришдаги тажрибаси юқори идоралар эътиборини тортди.

1994 йили Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Республика Ички ишлар вазирликларининг ушбу ўқув юртида "Енгил автомобилларнинг тузилиши" фани ўқитилиши ҳақидаги қўшма буйруғи эълон қилинди. Шу муносабат билан техника билим юрти бизнес-мактабига айлантирилди. Бозор иқтисодиёти ҳар бир жамоани "ўз аравасини ўзи тортишини", яъни ўзини ўзи маблағ билан таъминлашини қатъий талаб қилиб қўйганди.

Енгил автомобилларнинг тузилишини ва бошқаришни ўзлаштиришга қаратилган янги йўналишдаги фан кабинетини ташкил қилиш вазифаси жамоада кўндаланг турарди. Бу юмуш ҳам Мамадали ака гарданига тушди, одатдагидек ғайрат билан ишга киришиб, фан кабинетини кўнгилдагидек жиҳозлади. Ҳатто, шахсий "Москвич" автомобилини бўлакларга ажратиб, эҳтиёт қисмларини кўргазмали қурол сифатида стендларга жойлаштирди.

Устозининг фан кабинетида ўтадиган сабоқлари талабалар учун байрам эди. Дарслар кўпинча бизнес-мактабнинг техника саройида давом этар, амалий машғулотлар жараёнида шогирдларнинг техникага, касб-ҳунарга бўлган иштиёқлари кун сайин ортиб борарди.

Омад тилакда эмас, билакда, дейди машойиҳлар. Кўп ўтмай домла Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан ҳунар-техника таълими аълочиси нишондори бўлди. Сўнгра у биринчи тоифали, кейинроқ олий тоифали ўқитувчи даражасига кўтарилди. Энди М.Ҳайдаровга электротехника фани ўқитиш ишониб топширилди. Муаллифнинг "Ишонч" рўзномасига йўллаган мактубида ёзишига кўра 2002-2003 ўқув йилида бизнес-мактабининг 6-гуруҳ болаларига электротехника фанидан сабоқ берди.

Ҳаёт оқар дарё. Уни бунёдкор ўзанга соладиган куч, юртимиз эртаси — сизу бизнинг фарзандларимиз — ёшлардир. Уларни Ватанга фидойи, истиқлол ғояларига содиқ, эл хизматига камарбаста, шербилак, қирқ ҳунар соҳиби бўлган комил инсонлар қилиб етиштириш бир чети мактаблар, ҳунар-техника коллежлари зиммасидадир. Кадрлар тайёрлаш умуммиллий дастури, таълим тизимини ислоҳ қилиш, қишлоқ ижтимоий-маданий инфратузилмасини ривожлантиришнинг мазмунмоҳияти ҳам шу мақсадга йўналтирилган.

Ушбу талаблардан келиб чиқилган ҳолда 2003 йил 20 июнида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими Андижон вилоят бошқармасининг Избоскан бизнес-мактабини тугатиш, унинг негизида педагогика ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежини ташкил қилиш ҳақида буйруғи чиқарилди. Буйруқда собиқ ўқув юрти педагог ва ишчи кадрларини коллеждаги бўш ўринларга биринчи навбатда ишга қабул қилиш алоҳида таъкидланган.

Юқорида домланинг талабаларига электротехника фанидан дарс ўтганлиги тўғрисида гапириб ўтгандик. Қўшимча машғулотлар учун иш берувчи томонидан ходимга ойлик маош тўланиши нима учундир унутилди. Директор С.Аҳроров аҳволидан хабардор бўла туриб, пинак бузмайди. Ҳолбуки, маъмурият томонидан имзоланган меҳнат шартномасида ишловчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари муҳофаза қилиниши, ойлик маошлардан қарздорликка йўл қўймаслик шартлари белгиланган эди. Бировнинг ишига саратонда қўл совқотибди деганларидек, касаба уюшма раиси ҳам М.Ҳайдаров ҳақ-ҳуқуқларининг бузилишига томошабинлик қилишдан нарига ўтмади.

Шикоят хатида келтирилишича, устоз қўшимча иш ҳақининг ундирилишини сўраб ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Хошимовга учрашади. Қўлимдаги ҳужжатлар билан қабулига борсам, буларни сотиб олгансиз, мен билмайман, – дея жавоб беради.

Меҳнат Кодексининг 89-моддасида белгиланганидек, иш берувчи томонидан меҳнат шартномасида кутилаётган ўзгаришлар ҳақида ходимлар қатори М.Ҳайдаров ҳам икки ой олдин 2003 йил 5 июн куни ёзма огоҳлантирилиб, компенсация тўланиши айтилди. Ёқтирмаган кишингизнинг бошидаги қулоқчини ҳам кўзингизга қозондек кўринади, деган гап бор. Мамадали аканинг ҳақ-ҳуқуқини таниши, қўшимча мояна тўланишини талаб қилиб, юқори идораларга мурожаат қилиши кимларгадир ёқмади. Собиқ корхонанинг тугатилаётганлиги тўғрисида белгиланган муддатларда иш берувчининг меҳнат биржасини хабардор қилиши меъёрий ҳужжатларда алоҳида кўрсатилган. "Бандлик" дастуридаги ушбу талаб, ишсизликнинг олдини олиш, қисман ишсизларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган квоталанган иш ўринларини яратиш, меҳнат бозорлари, ярмаркаларини ташкил қилиш тадбирлари орқали кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш деганидир.

Бироқ бизнес-мактаб директори С.Аҳроров ҳамкасбларининг тақдирига қўл силтади. Вақтинча ишсизлар рўйхатини меҳнат биржасига тақдим этмади. Жамиятимиз адолатсизликни кечирмайди. Директор Избоскан туман меҳнат ва бандлик бўлими томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун жаримага тортилди.

Яна бир ҳолат. Иссиқ жон эмасми, М.Ҳайдаров бизнес-мактаб тугатилиши арафасида касалланиб қолиб, 2003 йил 1 августдан 2003 йил 3 сентябрга қадар туман тери касалликлари шифохонасида даволанди. Шу ўринда мураббийнинг рўзномага ёзган дилномасига яна кўз ташлаймиз: "2003 йил 4 сентябр куни ишга келсам, вазифамдан озод қилинганимни, 2003 йил 15 августда буйруқ чиқарганлигини айтишди».

(Давоми 2-бетда)

ҚИШЛОҚ ЗАМИНДОРЛАРИ

Ернинг ҳақиқий эгаси

Бугунги фермер ризқу-рўз яратувчи, ернинг ҳақиқий эгаси. Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорода эл-юрт фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган, она-заминни улуғлаб дастурхон тўкинчилигини таъминлаётган хусусий мулк эгалари кўпчилик.

Азалдан донгдор пахтакорлар, миришкор ғаллакорлар, қўли қадоқ сабзавоткорлару боғбонлар масканн Ғиждувонда ер билан тиллашиб, обрў-эътибор топган қишлоқ зироатчилари етишиб чиққан. Улуғ аллома Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллуд топган табаррук гўша Бухоро деҳқончилигининг мактаби сифатида тилга тушган.

Тумандаги "Муҳтарамбиби" фермер хўжалиги раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Обида Ҳамроевани мамлакатда яхши билишади. Пахтачиликда илк бор ижара пудратини жорий этган ва салмоқли натижаларга эришган деҳқон фарзанди айни пайтда фермер хўжалигига бошчилик қилаяпти. Ғалла ва пахтадан улкан хирмон кўтариб, катта фойда олмоқда. Пешона тери эвазига келган даромаддан рўзғори бут, дастурхони тўкин. Оиласида ҳамма нарса етарли.

Тумандаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигида ярим асрдан кўпроқ бригадирлик қилган Муртазо ака Файзуллаев жорий йилда фермерчиликка биринчилар қаторида талабгар бўлди. 26,5 гектар ерга мўлжалланган 20 лойиҳа бўйича танловда қатнашиб, ютиб чиқди. У бош пудратчи бўлган жамоа бултур шартнома режасидаги 237 тонна ўрнига 240 тоннадан зиёд пахта етиштирди.

- Мулкдор бўлганлигимдан фахрланаман, - дейди олий маълумотли агроном. - Агротехника тадбирларини юқори сифатли ўтказиб, пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 70 центнерга етказамиз. Энг асосийси фермер хўжалиги аъзоларининг моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилади.

Вилоят маркази билан туташиб кетган Когон туманидаги"Нурафшон" ширкати фермер хўжалигига айлантирилди. Қуйи Чўғачи қишлоғида яшовчи Жўра ака Бобомуродовга танлов комиссияси қарорига асосан 43,9 гектар ер ажратилди. У 2та МТЗ-8, 2 та Т-28 тракторига эга. Янги фермер кучғайрат билан ишга киришди. Умуман тумандаги 5 та ширкат тугатилиб, 8880 гектар экин майдони 243 нафар малакали ва тажрибали деҳқонлар қўлига топширилди.

Бухоро туманининг Кафтиогул қишлоғидан Ихтиёр Маҳмудов 91 гектар экин майдонининг 45 гектарида ғўза, қолганида ғалла ўстиради. Фидойи деҳқоннинг даласида баҳорги экишга пухта ҳозирлик кўрилаяпти.

- Тендер танловларида ер ҳақиқий эгасини топди, - дейди Қоракўл туманида фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиги раиси Муҳсин ота Сатторов . - Экин майдонлари ернинг тилини тушунадиган, тадбиркор кишиларга берилди.

Суяги меҳнатда қотган кекса деҳқон етти нафар фарзандлари билан 38 гектардаги пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириб келаяпти. Банк кредити ҳисобига чопиқ трактори сотиб олди. Туманда 248 та фермер хўжалигига пахта ҳосили олиш учун 2 миллиард 270 миллион, ғалла етиштириш учун 215 миллион сўм кредит ажратилганлиги дала ишларининг ривожига қутбарака киритди.

Президентимизнинг 2006 йилда қишлоқ хўжалик корхоналари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли 50 та ширкат тугатилиб, унинг негизида 3673 та, шу жумладан 1555 та пахтачилик, сабзавотчилик, полизчилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи, 2118 та боғдорчилик ва узумчилик билан машғул бўладиган фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Ўтган йиллар тажрибаси экин майдонлари фермер хўжаликларига берилгач, самарадорлик ортиб, ҳосилдорлик кўтарилганлиги, маҳсулот таннархи пасайиб, рентабеллик даражаси ошганлигини кўрсатиб турибди.

Ромитан туманида бундан етти йил муқаддам мавжуд экин майдонларининг 50 фоизи фермерлар ихтиёрига топширилган эди. Натижалар қувончли. 1999 йилда пахтачиликдан 175,5 миллион сўм зарар кўрилган бўлса, ҳозирги кунга келиб 3 миллиард 695 миллион сўм фойда олиниб, рентабеллик даражаси 70 фоиздан ошди.

Вилоятда ҳар гектар майдондан 32,5 центнердан пахта етиштирилиб, фермер хўжаликларидаги ялпи ҳосил 261 минг 446 тоннага етди.

Бундан тўққиз йил илгари вилоятда 351та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатган бўлса, ўтган йили 5777 тани ташкил этиб, улар 124754 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. Ишловчилар сони 4453 тадан 68475 тага кўпайди. Ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, меҳнат муҳофазасига эътибор ортди.

Мана 14 йилдирки, пешкулик Ёқуб Фаттоев фермер хўжалигига раҳбарлик қилади. Фидокорона меҳнатлари эвазига "Шуҳрат" медали, "Дўстлик" ордени билан мукофотланди, мамлакатимиз Олий Мажлис Сенатининг аъзолигига сайланди. Юқори билим ва чуқур малака эгаси чет элликлар билан инглиз тилида эркин гаплашади. 2001-2003 йилларда АҚШнинг Мэриленд университетида малака оширириб келди.

Фермер хўжалигида ижтимоий ҳимоя биринчи даражали ишга айланган. Бултур ҳар гектар майдондан 98 центнердан дон етиштирилиб, жамоанинг 70 нафар аъзосига 1 тоннадан буғдой тарқатилди. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 78 центнерга етди. Деҳқончиликдан 20 миллион сўм соф фойда, ҳар гектар майдондан 2 миллион 700 минг сўм даромад олинди. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 53 минг сўмга тўғри келди. Уларга бепул иссиқ овқат бериш йўлга қўйилган. Хўжаликда сутни қайта ишлаш кичик корхонаси ташкил этилганлиги қишлоқ аҳлига ортиқча маҳсулотни сотиб, оиласига қўшимча даромад олиш имкониятини яратди.

Бухорода нима кўп- боғ кўп. Юртбошимизнинг "Мева, сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори аграр соҳадаги ислоҳотларнинг изчил давоми ҳисобланади.

Пешку туманининг Кўлмири қишлоғидаги 18 гектар боғ, 9 гектар токзор фермерларга бўлиб берилган. Ноз-неъмат ижодкори Ғайрат Вафоев оғир, машаққатли касбни танлаган. Қишлоқ заминдорларининг фермер хўжалигида мевазор боғлар, шираси тилни ёрадиган узум етиштирилаётган токзорлар яшнаб турибди. "Яхшидан боғ қолади" нақлига амал қилаётган кўлмирилик фермерлар мевазор боғларни 200 гектарга етказиш учун яхши ният билан кўчат ўтқазаяптилар.

Қалби далага, табаррук заминга боғланиб қолган деҳқон меҳнати қадр топиб, эл-юртга барака кираяпти. Бултур мамлакатда биринчилар қаторида дон ва пахта сотиш шартнома режаларини адо этган бухоролик фермерлар бўлғуси мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

МОҲИР ЙЎЛСОЗЛАР

Кейинги йилларда Касби туманидаги автомобил йўллари сезиларли даражада яхшиланди. Бунга туман йўл хўжалик пудрати таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси жамоаси муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хусусан, ўтган йили йўлсозлар 215 километр йўлнинг 19 километрини таъмирлашди. 1 та автобекат қурилди, 4 та автобекат таъмирланди. Умуман, бажарилган ишлар қўлами 216 миллион 653 минг сўмликни ташкил этди. Олинган даромад ҳам салмоқли бўлди.

Йўлсозлар нафақат равон йўллар барпо этиш, балки ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам амалий ишларни бажаряптилар. Шу боис 408 та ҳар хил турдаги йўл белгилари таъмирланиб алмаштирилди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари билан белгиланган режа асосида иш олиб борилаётганлиги ҳам ўзининг ижобий натижаларини бераётир.

А.ХУДОЁРОВ олган сурат

Суратда: корхона бош муҳандиси Бобоёр Мардонов, механик Назар Маматқулов ҳамда йўл устаси Эшмурод Хўжақуловлар.

Орамиздаги одамлар

КЎЗ ҚЎРҚОҚ, ҚЎЛ БОТИР

Сўнгги йилларда одамларнинг мулкка бўлган муносабати ўзгара бошлаганини, айникса, ернинг ҳақиқий эгаси, фаровон ҳаёт бунёдкори бўлган фермерлик ҳаракатининг тобора кучга кириб бораётганини қайд этиш лозим. Юртбошимизнинг сўзлари билан айтганда "Нафақат қишлоқ хўжалиги, керак бўлса, бутун иқтисодиётимизнинг келажаги фермеликни ҳал этилишига боғлиқ десак, ҳеч муболаға бўлмайди".

Бугунги фермер нималарга қодир эканлигини унинг ташаббускорлиги, изланувчанлиги, ишловчиларнинг ижтимоий- иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини атрофлича таъминлаб боришида сезилади. Агарда шу маънода сўз юритадиган бўлсак, чустлик фермерларнинг қилаётган ишларини омма эътиборига ҳавола қилишга арзигулик томонлари кўп. Тумандаги "Машъал" ширкат хўжалигининг собиқ раиси Баҳодир ака Файзиев бугун янгиланиш даври пешқадамларидан. Ишбилармон, меҳнаткаш, етти ўлчаб бир кесадиган Баҳодир аканинг далага, ерга, одамларга бўлган меҳри қон томирида шаклланган бўлса, ажаб эмас. Унинг деҳқончилик мактабида эгаллаган ҳаётий тажрибаси, чустликларга хос шижоати туманда биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил этганда асқотди. У дастлаб ерни ҳосилдорлик даражасини, "семиз-ариқлиги"ни обдон ўрганиб, иш бошлади. Имкониятларидан келиб чиқиб ҳақиқий деҳқончилик санъатини кўрсатишга астойдил бел боғлади. Тасарруфидаги 48 гектар майдоннинг 16 гектарида пахта, 19 гектарида ғалла етиштирилган бўлса, салкам бир гектарлик ер майдонини энг сара мевали дарахт кўчатлари билан бойитиб, чустликларга хос бетакрор, кўркам боғ яратди. Қолган экин майдонларида эса фермер хўжалиги тасарруфидаги чорва моллари озуқа учун етиштирилмоқда.

Бугун юртимизда ҳамма деҳқонга, пахтакорга камарбаста, қўмақдош. Мамлакатимиз иқтисодий қудрати ошувда бош омил бўлган пахтачилик эртанги фаровон кунимиз, баланд-баланд кўз қувнатадиган иморатларимиз, янги қурилажак ўқув юртларимиз эканлигини талаба ҳам, муҳандис ҳам, ўқитувчи ҳам хуллас барча чуқур ҳис қилади. Шу ўринда хўжаликдаги ишловчиларнинг бугунги ҳаёти қай даражада ижтимоий ҳимоя қуршовида эканлигига тўхталмоқчиман. Оила аъзолари билан иш бошлаган фермер хўжалиги аъзолар сони бугунги кунга келиб ўттиз нафарга етди.

Халқимизда кўз қўрқоқ, қўл ботир, деган мақол бор. Хўжалик аҳлининг меҳнатсеверлиги, одамларнинг бир-бирига меҳрибонлиги боис Баҳодиржон Файзиев "Ташаббус-2005" танловида иштирок этиб, "Энг яхши фермер" номинацияси бўйича ғолиб, деб топилди. Қишлок хўжалик техникаси бешта етди. 2004 йил 50,4 тонна пахта етиштирилган бўлса, 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 8 центнерга кўпайди. Ҳар гектардан 60 центнердан ғалла хирмони бунёд этилди. Натижада пахтачиликдан 4,2 миллион сўм, ғаллачиликдан 1,8 миллион сўм соф фойда кўрилди. Хўжаликдаги 30 бош қорамолдан 13 боши соғин сигир. Улардан ҳар куни 90-100 литр атрофида сут соғиб олинади. Шартнома режасидан ташқари етиштирилган гўшт маҳсулотлари кам таъминланган оилаларга, хўжаликда ишловчиларга тарқатилади. Айни кунларда саховатли фермер ҳудудидаги 3 та макабгача тарбия шохобчаси ва юқумли касалликлар шифохонасини сут билан мунтазам равишда таъминлаб турибди. Қишлоқдаги кам таъминланган оилаларга ҳам баҳоли қудрат кўмак бериляпти. Шартнома режасидан ташқари тайёрланган йигирма тонна дон хўжалик аъзоларига бепул тарқатилди.

Хўжаликда йил бошида ўзаро келишув асосида беллашув, дўстона рақобат асосида иш ташкил қилинади. Унинг натижалари бўйича ғолиблар мукофотланадилар. Ҳусанбой Қурбонов, Жакбарали Бойназаров, Тўхтамурод Жўпўлатов каби сувчилар ана шундай беллашув ғолибларидир. Бу фермер хўжалигида зироатчилик сирларини пухта эгаллаган, мўл ҳосил етиштириш бўйича катта тажрибаси бўлган деҳқонлар жамланган. Ҳозиргача экин майдонларига 40 тоннадан зиёд маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Пахта майдонлари кузда ҳайдаб қўйилган. Экиш мавсуми бошлангунга қадар ишловчилар галма-галдан ўз саломатликларини тиклаш мақсадида "Чортоқ", "Гулшан", "Косонсой" сиҳатгоҳларида дам олмоқдалар.

Баҳодир Файзиевнинг ниятлари, ушалмаган орзулари беқиёс. Ер майдонларини кенгайтириш, сутни қайта ишлайдиган минизавод қуриб, янги иш ўринлари яратиш каби юмушлар шулар жумласидандир.

Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири

Хабарлар

МЕҲР-ОҚИБАТ КЎРСАТИЛДИ

Ҳиммат ва ҳомийлик туйғуси ҳеч кимга бегона эмас. Самарқанд вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси жамоаси 10-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳолидан хабар олишди.

Дастлаб болалар учун дастурхон ёзилди. Ўйинкулгу, дилдан суҳбат бўлди. Тадбир якунида мазкур маскан тарбияланувчиларига кийим-кечак, ўқув қуроллари, ўйинчоқлар ҳадя этилди.

ҚЎШМА КОРХОНА

Каттақўрғон "Ингички-Метос" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси фаолият бошлади. Ҳамкорликда очилган бу корхонада вольфрам техногени мавжуд чиқиндилар қайта ишланади ва қимматбаҳо тош олинади.

Шунингдек, корхона кон қазиш ишларини олиб боради. Айни вақтда 40 дан зиёд киши доимий иш билан таъминланди.

ЧИҚИНДИ-ЯРОҚСИЗ ДЕГАНИ ЭМАС

Қурилиш ашёлари, мебел, рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Нафосат" кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси фаолиятнинг янги йўналишини ўзлаштирмоқда.

Пастдарғомлик тадбиркорлар чиқиндиларни қайта ишлаб, рўзғор-хўжалик буюмлари тайёрлайди. Россия ишбилармонлари билан ҳамкорлик орқали янги маҳсулотни МДҲ мамлакатларига чиқариш мўлжалланмоқда.

Қ.РУСТАМОВ

«БУХОРО-ГЕНЧ» ТАМҒАСИ ОСТИДА

Когон туманида "Бухоро-Генч" ўзбек-турк қўшма корхонасининг макарон цехи очилди.

- Цехда кунига 60 тонна буғдой қайта ишланмоқда, - деди цех директори Б.Собиров. - Хом ашё маҳаллий фермер хўжаликларидан олинади. Маҳсулотларни асосан маҳаллий аҳолига сотамиз. Олинган фойда эвазига маҳсулот тури ва иш ўринларини кенгайтишни режалаштирганмиз. Ишчилар корхона ҳисобидан бепул овқат ва маҳсулотлар билан таъминланган.

Б.Собировнинг таъкидлашича, жорий йилда цехнинг ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш ва "Бухоро-Генч" тамғаси остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада такомиллаштириш кўзда тутилган.

Меҳнат муҳофазаси

Меҳнат инсоннинг шаклланиши ва ижтимоий ривожланиши, моддий, маънавий бойликлар яратишининг бош омили ҳисобланади. Лекин ҳозирги техника тараққий этган даврда озгина бепарволикка йўл қўйилса, ножея юз бериши тайин. Шу боис "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунга кўра ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиги учун зарарли омилларни бартараф қилиш, бахтсиз ҳодисалар олдини олиш ва иш жойларининг санитария-гигиена жиҳатидан қониқарли бўлиши учун зарур чора-тадбирларни кўриш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилган. Соҳа мутахассислари мунтазам равишда ўқув-амалиётига панжа орасидан карамаса ва назоратни тўғри йўлга қўйса, барча ноҳушликлар олди олинади.

— Айни вақтда корхона ва ташкилотларда кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш борасида бир мунча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, касаба уюшмалари, мутасадди раҳбар ҳамда ишчи-хизматчилар иштирокида ўқув-семинар ташкил этиляпти, — дейди Тошкент вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Ҳ.Исамуҳаммедов . – Шунга қарамасдан, айрим раҳбарлар меҳнат қонунчилигига оид меъёрий ҳужжатларга риоя қилмай келмоқда. Оқибатда ўтган йили вилоятда 41 та бахтсиз ҳодиса рўй бериб, 25 та ишчи-ходим ногирон бўлиб қолди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ўтган йили 152 та корхона, ташкилот ўрганилганда, 2887 та камчилик аниқланган. Меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид меъёрларга амал қилмаганлиги учун 40 нафар мута-

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

садди раҳбарга қарийб 1 миллион сўм жарима солинди, бир раҳбар эса вазифасидан озод қилинди. Мисол учун. Тошкент электр тармоқлари ишчиси А.Мирзатов ўзининг эътиборсизлиги туфайли иш жараёнида фожеа юз берди. Оқибатда у оғир тан жароҳатидан сўнг вафот этди. Тўғри, корхона томонидан унинг оиласига тегишли товон пули, моддий ёрдам қилинди. Лекин бир оиланинг бошчиси энди орамизда йўқ.

Хўш, шундан сўнг ўзгариш бўлдими? Ишловчиларнинг меҳнат муҳофазаси ҳамда яратилган шарт-шароитлар бошқа корхоналарда қай аҳволда?

— Корхонамизда ўтган йили ишчилар ўртасида ҳеч қандай бахтсиз ҳодиса рўй бергани йўқ. Меҳнаткашлар учун яхши иш шароитлари яратилган. Барча меҳнат муҳофазаси тадбирларига 4 милион 500 минг сўм сарфланди, – дейди Юқори Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» пахта тозалаш корхонаси бош муҳандис вазифасини бажарувчи Фарҳод Беков.

— Жамоамизда 278 ишчи-ходим бўлиб, 135 нафари аёллардир. Ўртача иш ҳақи 114 минг сўмни ташкил этади. Ҳозирги кунда ўтган йилги иш ҳақи билан муддати ўтган 59 миллион сўм қарздорлик мавжуд. Бу борада тегишли ташкилотларга мурожаат этилган, – дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси А.Жўраев. – Меҳнат муҳофазасида кўнгилсизликлар бор. Масалан, тунги смена созловчиси Сирожиддин Рубдуллаев иш жойига маст ҳолатда келган. Натижада у йиқилиб, оғир тан жароҳати олди. Унга маъмурият томонидан 991500 сўм товон пули тўланиб, 70 минг сўм нафақа тайинланди. Бундай ноҳушликларнинг олдини олиш борасида ишчилар ўртасида техника хавфсизлиги йўриқномалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда таъкидланганидек, мулкчилик шаклидан қатъи назар меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги меъёрларнинг бузилишида айбдор масъул шахс маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади. Чунки улар ходимлар учун қулай иш шароитини яратиб бериши, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда махсус ҳимоя воситалари билан таъминлаши зарур.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

«ЧИНОР»НИНГ ТУҲФАСИ

Бир асрлик тарихга эга бўлган Самарқанд агротадбиркорлик касб-ҳунар коллежи барча қулайликларга эга бўлган янги бинога кўчиб ўтди.

Бунёдкорлик ишлари тажрибали қурувчи Шуҳрат Шакаров бошчилигида қисқа фурсатда амалга оширилди.

Биз бундан жуда хурсандмиз, - дейди коллеж директори ўринбосари Рустам Салимов. – Кенг ва ёруғ хоналар, замонавий услубдаги спорт ўйингоҳлари буларнинг бари биз учун орзу эди.

Коллеждa 240 нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари олти йўналиш бўйича касбга ўргатиляпти. Талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун тўгараклар ташкил этилган.

- Янги бинога кўчганимиздан сўнг талабаларимизнинг қурувчилик касбига ҳам меҳри ортди. Шу боис келгусида шу йўналиш бўйича ҳам алоҳида бўлим ва тўгарак очиш ниятидамиз, - деди Рустам Салимов.

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Эндигина йигирма беш ёшга кирган келинчак — бўлажак онанинг аҳволи шифокорларни ташвишга солди. Унинг кўзи ёришига ҳали ўн-ўн беш кун вақт бор бўлса-да, туғруқнинг хатарсиз ўтишига ишонч кам эди. У шошилинч равишда Қўқон шаҳар туғруқхонасига келтирилди. Шифокорларнинг малака ва маҳорати туфайли аёл саломатлиги тикланиб, чақалоқ эсон-омон дунёга келди.

Туғруқ мажмуасида асосан оғир асоратли ҳомиладор аёллар даволаниб, туғруққа тайёрланади. Мажмуа бехатар оналик ва перенатал касалликларнинг олдини олиш, туғиш ёшидаги аёлларни исталлаган ҳомиладан сақлаш ва аёлларни соғломлаштириш бўйича ташкилий методик марказ ҳисобланади. Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун мажмуа зарур жарроҳлик, ультратовуш ва шошилинч марказ воситалари билан таъминланган.

Бултур бўлимнинг ҳомийлар кўмагида капитал таъмирдан чиқарилгани айни муддао бўлди. Етарли даражада дори-дармонлар олиб келинди.

Ўтган муддат мобайнида мажмуада 6 минг 500 нафарга яқин чақалоқ дунёга келди, - дейди бош ҳаким Муяссар Умарова. Уларни соғломлаштиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда йил бошидан бери туғилган барча чақалоқлар вирусли гепатит, сил, полиомелит хасталикларига қарши эмланди.

Сурайё АГЛАЕВА,
«Ишонч» мухбири

БЕПИСАНД МУНОСАБАТ

натижада бир зиёли икки йилдан буён иш ўрнини тополмаётир

(Боши 1-бетда)

Кўряпсизки, иш берувчи ғайриқонуний равишда ходимни ишдан маҳрум қилган, у шифохонада даволанаётганда лавозимидан бўшатилган. Қизиғи, ходимнинг ишдан озод қилиниши ҳақида касаба уюшмасининг розилиги ҳам олинмаган. Ваҳоланки, ходимнинг касаллигини тасдиқловчи шифохона маъмурияти муҳри билан тасдиқланган 260-сонли У-21 сериядаги 607921-рақамли бюллетень мавжуд бўлган. М.Ҳайдаровнинг ноқонуний буйруқдан норози бўлиши, табиий. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Избоскан туман кенгашига жамоада меҳнат қонунчилиги қўпол равишда бузилаётганлиги ҳақида 2004 йил 20 январда шикоят хати ёзиб, ишга тиклаш, бекор юрган кунлари учун ҳамда компенсация пуллари тўлиқ тўланиши ҳақидаги қонуний талабларни қўяди.

Бу пайтга келиб бизнес-мактаб батамом тугатилган, унинг ўрнида педагогика ижтимоий-иқтисодий коллежи фаолият кўрсатаётган, унга Рустамжон Усмонов директорлик қилаётган эди. Избоскан АСМ тармоқ касабачилари М.Ҳайдаровга ёрдамга келди. Аризани ҳал этишга киришди. Меҳнат шартномаси қонунга зид равишда бекор қилингани, ходимнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари чекланганлиги тасдиғини топди. Кенгашнинг, Избоскан туманининг ўша вақтдаги ҳоким ўринбосари О.Иброҳимов номига, шикоятчига ёзилган жавоб хатидан муаммонинг адолатли ҳал этилишига саъй-ҳаракат қилинганлигини кўриш мумкин. Компенсация, мукофот пуллари тўловлари тўлиқ бажарилиши, коллеж раҳбариятига эса М.Ҳайдаровни эркин танлов йўли билан мақбул иш бўлганда шу лавозимга жойлаштириш тавсия этилди. Шуниси қизиқки, хазинада пул маблағлари йўқ бахонаси билан 53 минг сўмлик компенсация, 33 минг сўмлик касаллик нафақаси пуллари роппа-роса бир йил кечиктириб тўланган.

Таажжубки, М.Ҳайдаровга нисбатан ноқонуний буйруқ бугунги кунгача бекор қилинмаган. Бу муаммо агросаноат мажмуи тармоқ кенгаши маълумотномасида, ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, ечимини топмаган. Оқибатда Мамадали ака бугунгача иш ўрнини тополмай, сарсон. Айтмоқчимизки, адолат чала бўлмайди. Касабачилар маълумотномасида айтилганидек, М.Ҳайдаровни эркин танлов йўли билан ишга тиклашга ҳожат йўқ. Андижон вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасининг зикр қилинган 63/01-сонли буйруғида тизимдаги ўзгаришлар, ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш, ишсизликнинг олдини олиш чоралари аниқ-тиниқ белгиланган. Буйруқда бўш ўринларига собиқ бизнес-мактаб ходимларини ишга қабул қилиш зарурати юқорида айтилганлигини газетхонга эслатмоқчимиз, холос.

Буйруқнинг 6-моддасида айнан директор Р.Усмонов зиммасига шу масъулият юклатилганлигини таъкидлаш ортиқча эмас. Таҳлил асосида янги директорни аризачи билан бот-бот учраштиришга ва адолатнинг қарор топишига ёрдамлашишга уриндик. Р.Усмоновга коллеж бизнес-мактабнинг вориси эканлигини, амалдаги меҳнат қонунчилиги нормаларида илгариги муаммолар ечимига ворис жавобгарлигини айтиб, иш берувчини муросага чорладик. Аммо у масъулиятни ҳозирда техник ходим бўлиб ишлаётган С.Аҳороврга оширишга зўр бера бошлади.

Гап орасида коллежда қандай фан асослари ўқитилиши билан қизиқамиз. Қишлоқ хўжалик машиналари тузилиши фани талабаларга ўргатилаётгани ойдинлашади. Шундай экан, ушбу фан бўйича мутахассис М.Ҳайдаровнинг ишга тикланишига нима монелик қилади. Жамоада ҳар кимнинг ўз ўрни бўлганига нима етсин? Қадр қилган қадр, эъзоз қилган эъзоз топади, деганлари бежиз эмас. Касбий таълим ўқиш ишлари бўйича директор ўринбосарлари Шерзод Абдурасулов, Шодмонали Қосимовлар билан ходимларнинг касб маҳорати, аҳлоқ-одоби феъл-атвори юзасидан мулоқотга киришдик. Ҳамкасблар Мамадали аканинг меҳнатларини инкор этмаган ҳолда, жамоа билан чиқишолмаётганигига мисоллар келтирдилар. Масалага ҳатто бирда участка нозири аралашганлигидан бизни огоҳ қилдилар. Аммо бирор далил-исбот келтиролмадилар.

М.Ҳайдаров билан юзма-юз фикрлашиш истагида бўламиз, домла яшаётган Пойтуғ шаҳридаги М.Тўхтабоев кўча 50-уйга қадам ранжида қиламиз. Олдинги ташрифимизда ҳам Мамадали акани хонадонида учратолмаган эдик. Кирар эшигингни қаттиқ ёпма, деган улуғ ҳикмат бор. Юборган кишимиздан ҳам муаллифнинг биз билан дийдорлашишдан бўйин товламаганлиги, "Ёзма жавоб юборсин" деган муомаласини эшитиб, ҳайратимиз ошди. Ажабо, наҳотки у ҳеч кимга ишонмай қўйган бўлса? Ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам дахлдор томонлар ким ҳақ ким ноҳақлигига аниқлик киритишлари, адолатни қарор топтиришлари даркор. Балки ушбу меҳнат низосига суд сўнгги нуқтани қўяр...

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Бир хат изидан

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ, Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ

Ислом КАРИМОВ:
Биз Бобур Мирзони улкан давлат арбоби сифатидагина эмас, қомусий аллома, мумтоз шоир сифатида ҳам чексиз қадрлаймиз. Бобур ўзбек халқининг буюк фарзанди, миллий ғуруридир.

— Иброҳим ака, мана бир ҳафтадирки, мамлакатимизда шеърият, маънавият, нафосат анжуманлари, нафис мажлислар давом этмоқда. Аввал шеърият мулкининг султони, маънавият ва маданиятимиз порлоқ қуёши Навоий ҳазратларининг 565 йиллик таваллуд кунларини нишонладик. Бугун эса миллатимиз фахр-ифтихори, мардлик ва мурувватда, заковат ва матонатда тенгсиз, элпарвар Мирзо Бобурнинг 523 йиллигини ўтказиш тараддудидамиз. Севимли ёзувчимиз Хайриддин Султонов "Бобурийнома" асарида "Агар унинг (Бобурнинг) ўн икки ёшли бола чоғида шиддатли сарой курашлари гирдобига қолиб, лоақал бирон-бир мадрасани ҳам тугатишга имкон ва фурсати бўлмаганини ҳисобга олсак, бу улуғ феноменнинг чиндан ҳам нақадар буюклигига иқрор бўламиз. Шу боис бу тимсоли йўқ инсоннинг ички дунёси, маънавий олами ғоят жозибадор, айни вақтда шу қадар сирлидир" деб ёзади. Бобурнинг ижоди гўё унинг дил изҳорига ўхшайди. Бу бўстонга кириб борганинг сайин, ундаги кучли руҳий қувват сенга юқади. Ҳар сатри маҳзун кайфият қўзғаб, юракда мудраб ётган гўзал туйғуларга абру найсонлар мисол жон бағишлайди. Туйғулар суратланиб ўзини ойнага солиб, кўз-кўз этади. Бундан руҳ куч олади, кўнгил кўз очади. Шунда дунё кўзингга бошқача бўлиб кўринади. Негаки, энди кўнгил кўзи билан дунёга боқаётган бўласан-да. Ўқувчи қалбида ана шундай юксак туйғуларни юқтирувчи Бобурга хос сеҳрли, маънавий олам, руҳий яқинликнинг сири нимада?

— Маълумки, Мирзо Бобур подшоҳ, шоир ва олим. Бошқача айтганда, у — шоҳларнинг шоири ва олими, шоирларнинг шоҳи ва алломаси. Лекин Бобурнинг бетимсол Шахси наинки шоҳлик — шоирлик ва олимликдан-да, теранроқда туради. Шунинг учун унинг латиф руҳи ва дарвеш кўнгли андак-мундак нарсаларни писанд этмайди, аниқроғи арзитмайди. Бас шундоқ экан, қайси хон ё султон:

Қилмоқ умиду бийм ила хизмат шаҳ олида
Дарбонининг сўкунчу таёқиға арзимас,

дейди. Инсонга хос қанақа табиий фазилат ва энг соф туйғулар бўлса, Бобур ҳаётда ҳам, ижодда ҳам асосан ана шуларга суянган. Ўз давлати ва салтанати манфаати юзасидан у шеъриятига қандайдир бир сиёсий ранг, тарғибот оҳангларини олиб кирса бўларди. Йўқ — Бобур шеърларидан тополмайсиз буларни.

Моҳиятан тожу тахт, ҳукмронликка бориб тақаладиган мурод-мақсадларини ҳам у ниҳоятда оддийлаштириб, оддий одамларнинг юрагига уйғунлашиб кетадиган мазмунда акс эттиради:

Кўнгли тилаган муродиға етса киши,
Ё барча муродларин тарк этса киши,
Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,
Бошини олиб бир сориға кетса киши.

Бу фикрлар айнан шоҳ ва шоир Бобурга тегишли эканини биласиз, аммо кўнгли бирор бир муродга интилиб, етолмаган, "бу икки иш муяссар" бўлмаса-да, бошини олиб қаёнларгадир кетишнинг ҳам уддасидан чиқолмаган ҳар бир кишига дахлдорлигини ҳам инкор этолмайсиз. Шунинг учун Бобурнинг маънавий-руҳий дунёси шоҳу гадони ўзига жалб этаверади. Кўнгилни сеҳрлаш, руҳни қанотлантиришдан тўхтамайди.

— Ривоят қилишларича, Сулаймон пайғамбар жониворлар тилини билган эканлар. Ул зот бир куни ҳориб-терлаб улкан тепаликни ковлаётган митти чумолини кўриб, ҳол сўрабдилар.

— Тепаликнинг нариги ёғида гўзал чумоли яшайди. Унинг дийдорига етишмоқ учун ҳижрон тоғини ковлаб, ўзимга йўл очаяпман, — дебди чумоли.

— Ахир бу ишга бутун умринг етмайди-ку?

— Барибир менинг гўзал мурод-мақсадим бор. Шунинг ўзи яшашга арзимайдими? — деб жавоб берган экан.

Ёд этмас эмиш кишини
ғурбатта киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни
меҳнатга киши,
Кўнглум бу ғаريبликда
шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатта севинмас эмиш,
албатта киши.

"Кўнгли тилаган муродиға етса киши" деб ашъор битган Бобурнинг асл мақсади ғазалиёт бўстони эдими, ёки тожу тахт? Самарқанд тахтидан ажралгач, у бир мунча вақт тариқат йўлини тутиб, дарвеш шоирликни ихтиёр этади. Нимага яна шоҳликни, салтанатни ихтиёр қилиб, аҳдидан қайтади?

— Мирзо Бобур кичик маснавийларидан бирида давлат ва салтанат даъвосидан кечиш сабабларини энг яқин мусоҳиблари, содиқ дўстларига нақл этиб:

Ки қилғаймен албатта дарвешлик,
Тариқат йўлида вафокешлик.
Жаҳон ишларин жумла тарк этгамен,
Кетар вақтта беасар кетгамен, —

дейди. Шуни айтиш керакки, дарвешлик Мирзо Бобурга ҳамиша юракка роҳат бағишловчи, халоскор бир йўл бўлиб туюлган. Ва ундаги шоирлик туйғуси буни қўллаб-қувватлаган. Шунинг учун Бобур дарвешликка юз буриш майлларини ҳам гўёки тожу тахт ғавғоларидан безган ва дили зада шоир нуқта назари ила изоҳлайди.

Бири буки, толеъ манга ёр эмас,
Сипеҳру кавокиб мададкор эмас.
Фалакдин етишти жафолар менга,
Бало узра бўлди балолар менга...

"Толеъ" деганда биз бахт, иқбол, қисмат мазмунини тушунамиз. Лекин бу сўз қадимда давлат, салтанат, ҳокимият маънисини ҳам ифода этган. Бобур:

Толеъ йўқи жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиг бўлди,

деганида, давлат иқтидоридан ажралиш ва ундан пайдо бўлган хатолик аламини ҳам кўзда тутган эди. Одатда бундай пайтларда шоҳга ўзини жуда яқин олиб, жон-жаҳди ила яқин кўрсатишга урингувчилар ҳам ўзини узоққа олиб қоча бошлайди. Садоқат "бўстони"да хиёнат, сотқинлик, таъна-ю маломат чечаклари қулф уриб очилади. Хуллас, дўст бўлиб юрганларнинг аксарияти душмандан-да тубан ва субутсиз қимса қиёфасига киради. Бобурнинг қудрати ва оддиллигига қарғанги, шундай нокасларга мурожаат қилиб мана нима дейди:

Азм айла, сабо, ет гули хандонимга,
Не гулки, қуёштек маҳи тобонимга,
Етгил даги иштиёқ ила Бобурдин
Зинҳор дегил: салом туққонимга.

Яна бир бу ким ушбу фитрат чоғи
Ки бу жамъи бадбахт бўлди ёғий...
Дедим, бу йиғилғонга топсам зафар
Бу жамъи паришонга топсам зафар.
Қилай бартараф салтанатнинг ишин,
Ўзумдин ком айлай улус қарғишин.

Ҳақиқатда ҳам салтанат иши — бу фақат олқишга эришиш эмас, балки қарғишдан қўрқиш, мазлум оҳу фарёди ва қарғишдан қўрқмаса, қилмишларига яраша жазо топиш ҳамдир. Бобурнинг "Ҳар кимки ямон бўлса, жазо топқусидур", деган ҳукми катта-ю кичиқ, шоҳу гадо — ҳамма-ҳаммага тегишли эди. У тахт соҳиби сифатида доимо ҳам адолат, шафқат, ҳақиқат талабларига риоя қилолмаганини яхши англарди. Шунинг учун ҳам унинг шоир кўнглида афсусу надомат, армону пушаймонлиғ олови ловуллар, шундай пайтларда ҳамма нарсани билгувчи ва ҳамма сир-асрордан огоҳ Оллоҳга илтижо айлаб:

Ҳар ердаки гул бўлса, тикон бўлса
не тонг?
Ҳар қондаки, май дурдидан бўлса
не тонг?
Шеъримда агар ҳазил, агар жид
кечурунг,
Яхши борида агар ямон бўлса
не тонг?

Қотингда агар гуноҳ гоҳи қилдим,
Юз қатла надомат била оҳи қилдим, —

дея надоматлар чеккандир.

Бобур "сўз мағзидин" пўсти пўчоғни айиришга жуда моҳир эди. Ҳар қандай ёлғон, алдов ва мунофиқлик унинг дилига қаттиқ азият етказар, шу боисдан ўзини ҳеч вақт ғуссакаш, аламдийда, қувонч топмаган бир банда ўлароқ кўрсатишга уринмасди. Тахтдан кўнгил узишига доир қуйидаги сўзлар бунинг бир исботидир:

Не давлат қолибтурки, мен кўрмадим,
Не ишлар қолибтурки, мен сурмадим.
Басе айшу куб шурби май қилмишам
Бори орзуларни тай қилмишам.
Менга эмди кўб орзу йўқтур,
Ёмон нафсима кўб ғулу йўқтур...

Лекин тожу тахт ва салтанатга соҳиблик туйғуси — Мирзо Бобурнинг қонидаги туйғу. У ҳамма нарсадан юз бурганида ҳам темурийзодалик иқболи ва матлобидан қочиб кетолмасди.

Кўнглумда, кўзумда ишқ эди, ишқ,
Шеъримда, сўзумда ишқ эди, ишқ,

дейди Бобур. Ҳатто мана шундай нурли ҳолатларда ҳам у давлатчилик иштиёқи ва шоҳлик ҳаваларини қалбдан бутунлай ҳайдаб чиқаролмаган. Зеро, бунинг имкони ҳам йўқдир.

Чунки унинг ўзи ҳаққоний таъкидлаганидек, "Чун салтанат дағдағаси ва мулкгирлик доияси бор, бир қатла, икки қатла иш юрумаган била" қараб ўтирмайди — яна отга минади, ғалаба учун майдонга киради. Мирзо Бобур шундай ишни қилиб билган. Шунинг учун ҳам Бобур мардлик, шижоат, мулкгирлик тимсолига айлангандир.

Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб соғингайсен ўзумни,
Васлинг била кўнглумни худой
айлаб шод
Жамолинг ёрутти юзунг била кўзумни.

— Бобур ўзбек рубоиётини янги талқин билан бойитди. Унинг рубоийлари ўзидан олдин ўтган шоирлар ёзиб қолдирган рубоийлардан нимаси билан фарқланади?

— Аввало, мазмун-моҳияти, руҳи ва фавқулодда самимияти билан фарқланади. Бобур рубоийларида тил ва ифода ислоҳ қилинган, яъни атайин соддалаштирилганга ўхшайди. Оҳанг тиниқлиги, ранг ёрқинлиги, сўз ва фикр порлоқлигининг бир сабаби мана шунда. Мавлоно Жалолиддин Румий "...Валлоҳи, мен шеърдан безганман, менинг наздимда шеърдан тубанроқ бир нима йўқдир... Бизнинг мамлакатимизда шоирлик қадар бир айб иш топилмас", — деганлар. Нима, Мавлоно шеърга, шоирликка қарши бўлганларми? Йўқ, албатта. Ҳақиқий шеър бозорини касод айлаб, шоирлик қадри, санъаткорлик ғурурини ер билан яксон қилган қофиябозлар шундай дейишга Румийни мажбур этишган. Умуман, адабиёт муҳибларини шеърдан бездириш — Гўзаллик салтанати томон хиёнатга йўл очиш, одамларни чала ҳақиқатларга кўниктиришга бел боғлаш билан теппа-тенгдир. Араб олимлари шеър ва шоир хусусида баҳс юритишганда "ал-маъно фи ботиниўш шоир" — маъно шоирнинг ич оламида, яъни ботинида эрур, деган фикрга асосланишган экан. Дарҳақиқат, шеърнинг қиймати, шоирнинг қудратини белгилайдиган асосий мезон — ботин оламининг бойлиги ва ундаги маъно ҳамда туйғуларнинг янгилиги ҳисобланади.

Даврон мени ўткарди сари сомондин,
Айирди бир йўли мени хонумондин,
Гаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъна,
Неларки бошимға келмади даврондин.

Бу — Бобурнинг қалбидан қуйилиб чиққан ҳасрат. Бундай ўксикликни бошқа бировга нисбат беролмайсиз. Бобур рубоийларини қанча кўп ўқисангиз, унинг қисмати, кўнгил ҳаёти, маънавий-руҳий таржимаи ҳоли хусусида ўшанча кенгроқ тасаввурга бериласиз. Инсон тақдирида Ватан қандай ўрин эгаллашини ҳар нарсадан ортиқроқ ва теранроқ билгингиз келади.

— Эътибор берган бўлсангиз Бобурнинг кўплаб ғазал ва рубоийларида ташбеҳ ва тимсол сифатида "гул", "ой", "қуёш" қайта-қайта қўлланилади. Бундай тимсолларни қўллашда шоирнинг қандай зоҳирий эҳтиёжи бор эди?

— Биринчидан, Сиз тилга олган ташбеҳ ва тимсоллар Шарқ шеъриятида олдиндан кўп ишлатилиб келинган. Бобур шу анъананинг давомчиси ўлароқ, улардан моҳирлик билан фойдаланган. Иккинчидан, Бобурда ўзига бир гулпарастлик завқи бор. Шоир баъзан гул тимсолини шундай ташҳислантирадики, ҳаёлингизда гулдай нозик, гулдай сеҳрли бир санам жонланиб кетишини сезмай қоласиз. Бобур шеърга гулнинг муаттар бўйи, рангин бўёқлари ва бетакрор жозибасини мужассамлаштирган шоир. Чунки қаламни у қачон фикр, қачон руҳ ва туйғу ёки ҳол ва эҳтирос "қўлига" тутқазишни жуда яхши фарқлайди.

Бир Ғарб файласуфи, "Агар мен биргина гулнинг сир-асрорини тугал тушунсам эди, бутун мавжудотнинг сир-асрорини кашф этган бўлурдим", — деган экан. Бу фикрни изоҳлаб ҳинд илоҳиётчиси Ошо шундай ёзади: "Ҳа, битта кичкина гул шу қадар бепоёнки, агар сиз уни сирларини билсангиз, чиндан ҳам барча мавжудотни англашга эришардингиз. Чунки бу оламда ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ. Зеро, гулни билмоқ учун ерни билиш керак: у тупроқдан ўсиб чиқади, унинг манбаси замин. Яна самони билиш лозим: гул кўкка бўй чўзиб ғунча ёзади. Сўнг қуёшни англаш лозим: қуёшсиз гул — гул бўлмасди: унинг ранги қуёшдандир. Хуллас, анча ичкарига кириб борсангиз, гулни билмоқ учун бутун мавжудликни билмоқ зарурати ўшанча равшанлашади. Сиз эса уни "гул" дейиш билан ҳаммасини биламан деб ўйлайсиз...".

Ҳижрон аро ёд этиб мени шод айла,
Маҳжур кўнгулни ғамдин озод айла,
Бу ҳатни анинг учун битдим мунда
Кўрган сойи хатимни мени ёд айла.

Ҳаттингни кўруб кўнгулга
ҳайрат бўлди,
Шеъринг эшитиб жонга
масаррат бўлди,
Бу неча маҳол тағофул эттинг,
демагил,
Толеъ йўқ эдики, мунча ғафлат бўлди.

Гар меҳр била бу чарх эврулса эди,
Жонлардин анинг жавфи керак тўлса эди,
Бобур киби жонга меҳр боғлар эрдим,
Гар ушбу жаҳонда меҳри жаҳон бўлса эди.

Балки, шунинг учун тасаввуф шеъриятида илоҳий гўзаллик сирларини кашф айлашда айнан шу "гул" тимсоли танлангандир. Балки, Бобурдаги гулпарастлик шу жиҳат билан ҳам боғлиқдир. Ҳар қалай Бобурнинг ғазал ва рубоийларида ташбеҳ ва тимсол сифатида қайта-қайта "гул"ни қўллаши ва гул ўзагидан яралган сўзларни фавқулодда моҳирлик билан ишлатиш фақат зоҳирий бир эҳтиёж эмасдир:

Сен эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек
ҳаргиз,
Аёғинга тушиб барги хазондек мунча ёлбордим.

Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,
Бу беш кун учун ўзингни асру тутма.
Боргонни кел эмди ёд қилмай,
эй дўст,
Бориш-келишингни лутф этиб ўксутма.

Ким кўрибтур, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.

Ғар замонни нафй қилсам айб қилма, эй рафиқ.
Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилиғ.

Дилраболардин ямонлиғ келди маҳзун кўнглума,
Келмади жонимға ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг, ямонлиғ асру кўп.
Эмди кўз тутмоқ не, яъни ҳар ямондин яхшилиғ.

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Яхшилиғ аҳли жаҳондин истама Бобур киби,
Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

Бу байтдаги маъно, туйғу ва манзара билан мана бу мисралардаги мақсад ва ҳолат бир-бирига монанд эмасдир:

Ғунчадек кўнглум менинг гулзор майлин қилмагай,
Ғам била бутган кўнгул гулгашт ила очилмагай.

Худди гул сингари қуёш ва ой тимсоллари орқали Бобур самовий ҳислар, ҳақиқий ишқ шавқларини ҳам ҳеч қийналмасдан тасвирлаб беради. Бобурнинг ғазал ва рубоийларини ўқиганимда Имом Ғаззолийнинг мана бу фикрларини тез-тез хотирлайман: "Ноқис ва ноқислиги боис ҳайвонга яқин бўлган кимса, ишқ дейилиши биланоқ шаҳвоний орзудан бошқа бир маънийни хаёлга келтира олмайди. Эшакка ўхшаш бундай кимсаларнинг ёнида ишқ, вуслат, унс сўзларини тилга олишдан сақланиш зарур. Ҳайвонларга ўт, яроқ, ҳар турли алаф берилиб, наргис ва райҳон сингари гуллар улардан муҳофаза қилинганидек, ҳайвонсифат бандалардан ҳам ишқ шавқ, васл, висол каби калималарни ҳам ҳимоя айлаш лозимдир".

Бобур шеърларидаги латифлик ва нафислик кишини шу ҳақида ўйлашга ҳам ундайди. Чунки, шоирнинг:

Ашъорингким шеър оти то бўлғай,
Табъ аҳли анга волау шайдо бўлғай, —

деган сўзларни айнан унинг ўз шеърияти тўла тасдиқлайди.

— "Бобурнома"да майхўрлик, чоғир суҳбатига оид кўплаб маълумотлар берилган. Бобур ўзидаги ана шу ожизлик, "нафс" балосини енгиш учун кўп бора ўзига ўзи қарши чиққан. Ҳатто у бир неча бор майхўрликдан воз кечиб, тавба қилган. Асарнинг сўнгги саҳифаларидан жой олган ана шу муҳим манба ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Маълумки, Мирзо Бобур Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатиш учун у ердаги ҳокимларнинг ғоятда даҳшатлиси Рано Санго билан жанг қилиши керак эди. "Рано Санго урушидан икки кун бурун, — дейди Бобурнинг қизи Гулбаданбегим "Ҳумоюннома" китобида, — подшо ҳазратлари шароб ичишдан ва бошқа номуносиб ишлардан тавба қилган эдилар... Шароб ичишга керак бўладиган ҳамма тилла ва кумуш асбобларни, олтин пиёлаларни ва бошқа қийматли идишларни синдириб, камбағал бечораларга бўлиб бердилар".

Кўзум эви юзидин мусаввар бўлди,
Бу важҳ била кўнгул мунаввар бўлди.
Юз шукрки, Бобур каби ошиқликда
Ҳар неки тилаб эдим, муяссар бўлди.

Бобурнинг ўзи эса "Синдурулғон олтин-кумуш суроҳий ва олотни мустаҳиқларға (ҳақи бор, лойиқ кишиларга) ва дарвешларга улашилди", деб ёзади. Хуллас, Бобур Рано Санго билан жангдан олдин "Оллоҳ катта иҳсон эгасидир", "кимки астойдил эшик қоқса унинг марҳаматига мушарраф бўлади, деган умид билан "ичкиликдан қайтиш тавбасини" амалга оширади. Ўшанда у руҳан анча таҳликага берилиб, ҳатто ўлимни ҳам бўйнига олгандай эди:

Нияти ғазв ила ким юрубсен,
Ўлмакингни ўзунгга кўрубсен.
Кимки ўлмак ўзига жазм этар
Ушбу ҳолатга билурсенки нетар.

Туэ оҳ Заҳириддини Муҳаммад Бобур,
Юз оҳ Заҳириддини Муҳаммад Бобур,
Сарриштаи айшдин кўнгулни уз зинҳор
Уз, оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобур.

Дур этар жумла миноҳдин ўзин,
Аритур барча гуноҳидин ўзин.

Бобурнинг ичкиликдан қутулиб тавба айлаши — бу бир ибрат. Май ичишни ташлагандан сўнг:

Май таркини қилғали паришондурмен,
Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен, —

дея қийналиш ва паришонликларини яшириб, очиқ сўзлаши, яъни очиқлиги яна бир ибратдир. Лекин энг муҳими, Бобурнинг ичкилик офатидан ўзини халос эта билгани эди. Зеро, майпарастлик алоҳида бир шахс ёки истеъдоднинг эмас, балки салтанат заволи бўлишини Бобурнинг Ҳусайн Бойқаро ўғиллари ҳақида айтилган мана бу сўзларидан ҳам англаш мумкин: "Бу Мирзолар андоқ ифрот била фисқ ва айшға машғул эдиларким, отасидек кордида ва кордон подшоҳ тушчилик йўл келиб, рамазондек мутабаррак ва азиз ойға кечалик фурсат қолиб, отасидан ийманмай, Тангридан қўрқмай, ҳануз иши чоғир ичмак эди нашот била, мажлис, оролиқ эди инбисот (хурсандлик) била. Муқаррардурким, мундоқ бўлғон киши андоқ шикаст топқай ва бу навъ ўтган элга ҳар ким даст топқай".

Демак, ичкиликка қул бўлиш дегани — бу ўз ҳаддини билмаслик, фосиқлик, уят, андиша ва субутни бир четга улоқтириш, ҳатто Тангридан қўрқмай нафсга ором бериш дегани.

Май таркини қилғали паришондурмен,
Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен,
Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.

Бундай ҳолатдаги худбин кимсалар албатта шикаст топишини Бобур тўғри таъкидлаган...

— Бир воқеани ҳеч эсимдан чиқаролмайман. Ўтган йил Бобурнинг таваллуд куни эди. Радиоканаллар қандай эшиттириш тайёрлабди, деган умид билан тинглаб кўрсам, рости дилим оғриди. Биласизми, шу куни "Валентин куни" байрам қилинаётган экан. Нафақат бошловчилар, ҳатто тингловчилар ҳам бир-бирларини "севги куни" билан қутлашарди, Бобурни ёд этиш ҳатто хаёлларига ҳам келмасди. Энг ачинарлиси, радиобошловчилар ҳам, эшиттиришга иштирок этувчилар ҳам миллатимиз вакиллари эди. Сиз бу ҳақда нима дейсиз?

— Ҳаддан зиёд "маданийлашув" ҳар қандоқ миллат учун кони зиёндур. Чунки суврати ўзининг халқига мансуб, сийрати ғаноман бошқаларникига айланган кимсалар учун миллий-руҳий муқаддаслик туйғуси ёт нарсадир. Уларга Навоий, Бобур ё Машрабнинг нима кераги бор? Асло кераги йўқ. Буни яшириб — хаспўшлаб ҳам ўтиришмайди. Мунофиқлик қилишса нима бўларди? "Дил оғриғи"нгиз ўн ҳисса кучаярди. Мен Бобурни ёд этмайдиганларга эмас — Бобурни билмайдиган ва уни хотирлаш лаёқатидан маҳрум ҳар бир ўзбекнинг аҳволига ачинаман. Айни пайтда бунинг сабаблари хусусида ҳам ўзимча бош қотираман.

Улкан ижодкорларнинг эътирофи бўйича, ўтмиш адабиёт билан қизиқиш, замонавий адабиёт билан қизиқишга бевосита боғлиқ. Чунончи: замон адабиёти намуналари ўқувчи диққат-эътиборини ўзига чуқур жалб эта билмаса, мумтоз адабиёт билан алоқа ҳам сусайиб боради. Бу эса давр, замон, миллат, адабиёт, ҳаттоки тарих олдидаги бурч ва масъулиятини ҳаққоний тушуниб, шундай чекинмай ижод қилишга қодир санъаткорлар етишгунига қадар давом этиши мумкин экан. Чиндан ҳам Л. Н. Толстой асарларини севиб ўқиган, бу буюк адибнинг Шахсини ўрганган одам умуман рус адабиёти тарихидаги деярли барча даҳоларнинг ижодий миссиясини аниқ билгиси келади. Шунинг учун биз ҳам бугунги адабиётимизнинг аҳволи ва муаммоларига дадил нигоҳ ташлаш, бачкана олқиш, "пирпараст"лик мулоҳазаларини бир четга суриб ўқувчини бор ҳақиқатдан огоҳ айлашга уринишимиз шартдир. Акс ҳолда "Валентин куни"ни нишонловчи "севгипараст"ларнинг сафи кенгайиб, кўпайиб бораверишига асло шубҳаланманг!

Юз номан иштиёқ таҳрир эттим,
Юз навъ била васлингга
тадбир эттим,
Маъзур тут, эй қуёшки, толеъ йўқидин,
Васлингга етар маҳалда тақсир эттим.

Ишқингда кўнгул ҳаробдур,
мен не қилай?
Ҳажрингда кўзум пуробдур,
мен не қилай?
Жисмим аро печу тобдур
мен не қилай?
Жонимда кўп изтиробдур
мен не қилай?

«ДАВЛАТҚА ЕТИБ МЕҲНАТ ЭЛИН УНУТМА...»

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудири, филология фанлари доктори Иброҳим ҲАҚҚУЛ билан мулоқот

Суҳбатдош: Амина КОДИРОВА,
«Ишонч» мухбири

Тадбир

АЛОҚАЧИЛАР ТЎП СУРГАНДА

Жисмоний тарбия ва спорт оммавийлиги йўлида қўйилган ҳар бир қадам хайрлидир. У хоҳ бир ташкилот ёки корхонада бўладими ёхуд, бутун бошли бир тармоқни ўз ичига оладими, асосий мақсад битта - ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни спорт билан ошно этиш ва якунда мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун имконият яратиш.

Кеча Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежи спорт залида алоқа тизимига кирувчи акциядорлик компаниялар, жамиятлар, ташкилот ва муассасаларнинг аппарат ходимларидан тузилган терма жамоалари ўртасида мини футбол бўйича Республика биринчилиги мусобақалари ниҳоясига етди. Ушбу мусобақада барча вилоятлар ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбектелеком" акционерлик компанияси, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва "Матбуот тарқатувчи" акционерлик компаниясидан жами 16 та жамоа қатнашди.

- Турнирда фақат тармоқда фаолият юритаётган раҳбарлар, бўлим бошлиқлари ва бошқарув аппаратидаги ишчи-ходимлар тўп сурди,- дейди Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси Т. Назаржонов. – Мақсадимиз улар ушбу турнирга ўхшаган мусобақаларда ўз маҳоратларини ошириб, ишчи-ходимларига ўрнак бўлсинлар, спорт билан ошно бўлиб қолсинлар. Зеро, спортни севган раҳбар унинг оммавийлиги йўлида жонбозлик кўрсатиши, шубҳасиз.

Уч кун давом этган беллашувлар ниҳоясида ярим финалга етиб келган Жиззах, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоалари ўртасида кечган учрашувлар ғоятда қизиқарли тус олди. Ярим финал баҳслари натижасига кўра, финалга пойтахт вилояти ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги терма жамоалари йўл олди.

-Бундай турнирлар ҳамиша оғир кечади. Бироқ, жамоа аҳил бўлса, исталган натижага эришиш мукин эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Жамоа кучи нималарга қодирлиги шундай пайтларда билинади. - Биз финалга етиб келдик, -дейди Тошкент вилояти жамоаси вакили Ю.Гапуров.

Қизиқарли кечган финал баҳсида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги терма жамоаси маҳорат бобида анча кучли эканликларини исботлади. Ўйин 6:1 ҳисобида ушбу жамоа фойдасига ҳал бўлди.

Мусобақаларнинг ёпилиш маросимида алоҳида номинациялар бўйича ғолиб деб топилган иштирокчиларга совринлар топширилди. "Энг яхши ташкилотчи" деб Сурхондарё вилояти вакили С.Одинаев, "Энг яхши ўйинчи" йўналиши бўйича "Ўзбекистон почтаси" АО жамоаси аъзоси А.Агзамходжаев, "Энг моҳир тўпурар" деб.Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вакили К.Ибрагимов топилди. "Ўзтелеком" АК ишчиси С.Агзамовга эса «Энг кекса ўйинчи»га аталган совға топширилди.

Ғолиб ва совриндорлар турнир ташкилотчилари томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ

Ёшлигимдан спортга қизиқаман. Коллежда ўқиш жараёнида, бемалол айтишим мумкинки, орзуйим рўёбга чиқди. Стол тенниси билан астойдил шуғуллана бошладим. Бунда менга устозим Худойберди Жўраев яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Коллежимиздаги замонавий, ҳар жиҳатдан шинам, кенг ва ёруғ хоналарда ўқишнинг гашти ўзгача. Спортни ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Мадина Тиловова, Роҳила Онорова, Шаҳноза Саидова, Илҳом Қурбонов сингари тенгдошларим ҳам ўз маҳоратларини турли мусобақаларда намойиш этишга муяссар бўлмоқдалар.

Стол тенниси кишини янада чаққон ва эпчил қилади. Ўйлайманки, у нафақат соғлом, балки иродали бўлишимда ҳам менга бир умр кўмак беради.

Шоҳиста НУРИЛЛАЕВА,
Деҳқонобод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи талабаси

ДОМИНИКАН КУРАШНИ СЕВАДИ

Кураш халқаро ассоциацияси /КХА/ матбуот хизматидан ЎзА мухбирига хабар беришларича, Панамерика кураш конфедерацияси президенти Эдгар Клауре ўзбек халкининг миллий қадрияти - кураш расман Доминикан спорт ўйинлари дастурига киритилганини маълум килган.

Уммонортидаги мазкур нуфузли мусобақа 18-25 февраль кунлари Доминикан Республикасининг Санта Доминго шаҳрида ўтказилади. Аксарият мутахассислар курашнинг Доминикан ўйинларига қўшилишини Панамерикада мазкур спорт турига бўлган қизиқишнинг юқорилиги билан изоҳлашмоқда.

ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР - ТУРНИР ҒОЛИБИ

Навоий шаҳридаги марказий спорт мажмуида аёллар ўртасида ўтказилган волейбол бўйича республика Олий лига жамоаларининг иккинчи тур ўйинлари ниҳоясига етди.

Бир ҳафта давом этган қизиқарли мусобақаларда спортчи қизларимизнинг маҳорати яна бир карра намоён бўлди. Айниқса, Навоийнинг «Шифокор» ва Наманганнинг «Иқтисодчи» жамоалари ўртасида кечган ўйин кескин курашларга бой бўлиб, турнир мезбонларининг ғалабаси билан якунланди.

Умумий ҳисобда Тошкент шаҳрининг «Скиф» волейболчилари биринчи ва Навоийнинг «Шифокор» жамоаси иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Чемпионатнинг учинчи тури шу йилнинг март ойида бўлиб ўтади.

Бу ҳақда Раёсат йиғилишида гапирилганди

Жиззах вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят тармоқ кўмиталари ва туман касаба уюшмалари кенгашлари бошланғич ташкилотлар ва корхоналар билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсат йиғилиши карорларининг бажарилишини таъминлай бориб, спорт-соғломлаштириш ишлари оммавийлигини ошириш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда.

МАҲОРАТ БАҲСЛАРДА ЧАРХЛАНАДИ

Айни пайтда 12 та туман ва Жиззах шаҳрида спорт жамияти фаолият кўрсатиб келаяпти. Улар 298 та бошланғич касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамоаларини бирлаштириб турибди. Ушбу жамоаларда 7391 нафардан ортиқ киши спорт-соғломлаштириш тўгаракларида ўзларининг соғлиқларини ва маҳоратларини мунтазам равишда оширишмоқда. Улар ихтиёрида 160 дан ортиқ теннис кортлари, 120 дан зиёд футбол майдонлари ва 2 та сузиш ҳавзаси мавжуд.

Жамият кенгаши тизимида 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ишлаб турибди. Уларда 7 тур бўйича 724 нафар ўқувчи-ёшлар ўзларининг спорт маҳоратларини оширишаётир. Ўтган ўқув йилида 350 нафардан ортиқ оммавий тоифадаги, 55 нафар I разрядли, 20 нафар спорт усталигига номзод спортчилар тайёрлашга эришилди. Республика миқёсида ўтказилаётган барча федерация спартакиадаларида доимий равишда қатнашиб, совринли ўринни эгаллаб келинмоқда. Жумладан, Ҳомин санаторийсида ўтказилган Республика Соғлиқни сақлаш ходимлари тармоқ спартакиадасида вилоят терма жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллади. Ғазалкент туманидаги "Чотқол" санаторийсида республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари ўртасидаги спартакиадада эса вилоят спортчилари умумжамоа бўйича 4 ўринни эгалладилар. Стол тенниси ва шашка бўйича 3 ўрин, шахмат бўйича эса 2 ўрин насиб этди.

Кези келганда меҳнаткашларнинг "Саломатлик" спартакиадаси мусобақалари оммавий тус олганлигини таъкидлашни истардим. "Отам, онам ва мен" оилавий мусобақалари бўлиб ўтди. Ўқув муассасаларида "Алпомиш ва Барчиной" тест синовларини қабул қилиш, "Наврўз", Мустақиллик байрамларида турли спорт мусобақаларини ўтказиш одат тусига айланиб бормоқда.

— Ўтказилаётган барча мусобақалар тармоқ кўмиталари била ҳамкорликда тузилган келишув шартномалари асосида олиб борилмоқда. Тадбирларда 2700 дан зиёд ишчи-хизматчилар қатнашиб, ўзларининг соғлиқларини мустаҳкамладидар.

— Қилинаётган ибратли ишлар билан биргаликда камчиликлар ҳам учраб турибди, - дейди вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши раиси Муҳиддин Пардақулов. — Мулкчилик шакллари ўзгариб, яъни ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилиши туфайли жойлардаги спорт йўриқчилари штати қисқартирилаяпти. Бу эса спорт-соғломлаштириш мусобақаларини ўтказишда қийинчиликлар туғдирмоқда. Масалан, Фориш, Арнасой, Бахмал, Янгиобод туманларида ана шундай ҳолни учратиш мумкин.

— Шундай бўлса-да, ёшларни спортга жалб этишда Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятига алоҳида эътибор қаратиляпти. Жамият қошидаги 2 та спорт мактабларида шуғулланиб келаётган ёшлардан 12 нафари республика терма жамоаси аъзоси, 5 нафари эса заҳирада ҳисобланади. Масалан, енгил атлетика бўлими тарбияланувчиси Дадажон Мустафоев "Баркамол авлод" спорт мусобақасида 400 метрга югуриш бўйича биринчи ўринни олди. Тошкент шаҳрида ўтказилган республика кубогида Лазиз Болтаев 800 метрга югуриш бўйича иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Алмати шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда Дадажон Мустафоев фахрли 2 ўринни эгаллади. Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган "Баркамол авлод" мусобақасида Замира Тўйчиева ва Шерзод Раҳматовлар шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилишди. Эркин кураш бўйича Ҳаёт Сайфуллаев республика чемпиони унвонини қўлга киритди. Самбочилардан Илҳом Тўхтамов, Воҳид Тошев, Яҳё Имомов, Жаҳонгир Шерматов, Болтабой Болтаевлар халқаро турнирда олтин медал соҳиблари бўлишди ҳамда умумжамоа ҳисобида 1 ўринни таъминлашди.

Ёш футбол жамоаси ҳам республика турнирида иштирок этиб, совринли 2 ўринни эгаллади. Барча турлар бўйича ғолиблар касаба уюшмалари эсдалик совғалари билан мукофотланиб келмоқдалар.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
"Ишонч" мухбири

ИЛЁС ЗЕЙТУЛЛАЕВ:

"В" СЕРИЯДА ТАЖРИБА ОРТТИРИБ,

сўнг "А" серияга қайтаман

Ўзбекистон терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Илёс Зейтуллаев "Режина"дан Италия "В" сериясининг "Кротоне" клубига 4 ойга ижарага берилди. Бу ҳақда футболчининг ўзи UzFootball.Com мухбири Санъат Шарипов билан ўтказган телефон мулоқотида билдирган. Аммо Илёснинг ўзи ушбу трансфердан заррача ҳам хафа эмаслигини билдириб, аксинча "А" сериясида заҳирада ўтиргандан кўра, бир поғона пастки чемпионатда мунтазам равишда майдонга тушган афзалроқ, дейди.

— Илёс, нима бўлди? Тўсатдан "В" серия жамоасига ўтишинг кутилмагандек назаримда?

— Нима десам экан, оғир жароҳатимдан сўнг асосий таркибдан жой топилмади. Қўлни қовуштириб ўтирганимдан кўра, бошқа жамоага ўтиб ўйнаш керак эди. Мен ана шу йўлни танладим.

— Хўш, ўзингни қандай ҳис қилаяпсан? Маъқул келаяптими янги жой?

— Ёмон эмас. Ўйнаш имкониятим ошади. Ҳозир жуда қаттиқ шамоллаганман. Биринчи ўринда бораётган "Катания"га қарши майдонга чиқишим керак эди, аммо кечаси автобусда келаётиб, унинг ойнаси очиқ қолиб, мазам қочибди.

— Валерий Непомняший Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи этиб тайинланганидан хабаринг борми?

— Ҳа, эшитдим. Федерациядан телефон қилишган эди. Ўшанда хабардор бўлдим. Унда ҳали "Режина"да эдим.

— Янги жамоа қандай кутиб олди?

— Жуда яхши. "Ювентус"да ўйнаган даврим менга мураббийлик қилган Гасперини "Кротоне" клубини бошқараяпти. Бу ерга ўтишимнинг асосий сабабларидан бири ҳам шу. Гасперини аслида мени мавсум бошида жамоасига таклиф этган эди.

— Шароитлари яхшими?

— "Режина"да бўлгани каби ҳаммаси жойида.

— Хуллас, гапингдан "В" серияга ўтганингга афсусланмаётган кўринасан?

— Биласанми, мендек ёшда "А" серияда ўйнаш осон эмас. Яхшиси, айтайлик, шу "В" серияда ўйнаб туриб, тажриба орттиргач, "А" серияга ўтган маъқул. Бу ерда бундай омилларга кўп қарашади.

— Борди-ю, Илёс, "В" серияга ўтганинг боис сени терма жамоага ҳозирча жалб қила олмаймиз, дейишса-чи?

— (кулиб) Биласанми, бу дивизионда Ди Биажжо, Палюка каби италиялик машҳур футболчи ва дарвозабонларнинг тўп суришини? "А" сериясидан қолишмайди. Ундан ташқари, юқори малакали мураббийлар бундай нарсаларга эътибор беришмайди. Улар "А" серия қандайу, "В" серия даражаси қандай яхши билишади.

Эртани ўйлаб

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг карорига биноан шу ном билан аталувчи жамғарманинг Халқ таълими вазирлиги ҳузурига ўтказилиши жойларда мактаб ўқувчиларини оммавий спортга йўналтиришда, уларнинг бўш вақтларини спорт тўгаракларида ўтказишда, соғлом ва бакувват ёшларни камол топтиришда муҳим рол ўйнамоқда. Туман халқ таълими бўлимларида фаолият кўрсатаётган жамғарма вакиллари зиммасида ҳам ушбу карор ижросини ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдек муҳим вазифа турибди.

ШАНБА – ОММАВИЙ МУСОБАҚАЛАР КУНИ

Туманимиздаги 68 та умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини ошириш ва болаларни спорт тўгаракларида мунтазам шуғулланишлари учун барча имкониятлар ишга солиняпти. Бугун туманда 37 мингдан зиёд ёшлар спорт билан машғул. Учта БЎСМ фаолият кўрсатиб келяпти. Туманда мавжуд спорт иншоотларининг 220 таси халқ таълими бўлими тасарруфига ўтгани айни муддао бўлди. Спорт тўгаракларининг сони 700 тадан ошди. Бу ўтган йилгига нисбатан салкам 30 тага кўпдир.

Янгилик сифатида жорий этилаган "Шанба — оммавий спорт тадбирлари" кунида тумандаги барча мактаб ўқувчилари иштирок этмоқда. Айниқса, тумандаги 33,10,31,57,27,19-умумтаълим мактабларида бу тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилаётир. Хусусан, марафон, кросс, оммавий югуриш, енгил атлетика мусобақалари қизғин баҳсларга бой бўлаётир.

Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қад ростлаган Мирбозор қўрғонидаги I-тип қишлоқ спорт мажмуасида барча шароитлар муҳайё этилган.

Ушбу ғамхўрликлар самараси ўлароқ спортчиларимиз эришаётган ютуқлар ҳам кўзга ташланиб қолди. Айниқса, шарқ яккакураши бўйича туманимиз ёшлари кўрсатаётган натижалар мақтовга лойиқ. Яқинда пойтахтимизнинг "ЖАР" спорт мажмуасида бўлиб ўтган Республика клублар чемпионатида Нафиса Элназарова ҳамда ака-ука Шаҳбоз, Шерзод, Аббос Раҳмоновлар ғолиблик шоҳсупасидан жой олдилар. Туман мактаб ўқувчилари "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг ҳудудий босқичларида ҳам муваффақиятли иштирок этдилар. Баскетболчи қизларимиз ушбу мусобақада фахрли иккинчи ўринни эгалладилар.

Пўлат ИРГАШЕВ,
Нарпай тумани
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакили

Спорт * Sport * Спорт * Sport * Спорт * Sport * Спорт * Sport * Спорт * Sport * Спорт * Sport * Спорт Sport

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Давлат мулки қўмитасининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан РКМБ тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига 2006 йил 20 февралдан Фарғона вилояти маклерияти орқали Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида бошланғич нархи боскичма-боскич пасайиш механизми бўйича қуйидаги объект қўйилади.

Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармси Норин — Фарғона ирригация тизими бошқармасига қарашли Ёзёвон туманида жойлашган бино ва таъмирлаш устахона биноси. **Бошланғич баҳоси — 3840662 сўм.**

Савдоларда РКМБ рўйхатидан ўтган малакали брокерлар объектни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар. Қўшимча маълумотлар учун қўйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Фарғона шаҳри, М. Қосимов кўчаси, 35-уй.
РКМБ Фарғона вилоят филиали
Телефонлар: 8(3732) 24-68-72, 24-68-70.
Факс: 8(371) 114-62-35.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

"Respublika ko'chmas mulk birjasining Toshkent shahar filiali"

Сизларни ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига таклиф қилади.

Биржа савдоларига 2006 йил 15 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан савдоларда бошланғич нархи боскичма-боскичма пасайиш механизми қўлланилаётган лекин (қолдиқ баланс) номинал қийматидан паст бўлмаган ҳолда қуйидаги давлат объекти қўйилмоқда:

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Хамидхонов кўчаси, 8-уй манзилида жойлашган "SINEMA BOLLIVUD" масъулияти чекланган жамиятининг Низом жамғармасидаги 25,0 фоизлик давлат улуши.

Бошланғич нархи – 33 292 095 сўм.

Ушбу давлат объектининг эгаси бўлишни истасангиз биржа савдоларида рўйхатдан ўтган малакали брокерлар Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй. 3-қават, 35 ва 45-хоналар. Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75, 144-44-72, 144-44-73.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"TULPOR" савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

- *Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.*
- *Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.*
- *Автомобилларга божхона солиғи тўланган.*
- *Уларнинг сифати тўла кафолатланади.*

Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.

Ободонлаштириш бош бошқармаси қошидаги Шаҳар марказий йўллари ва сунъий иншоотларни сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш бошқармаси ўз тасарруфига Марказий йўл фойдаланиш бошқармаси ва Сунъий иншоотларни сақлаш ва улардан фойдаланиш бошқармаларини қўшиб олинишини маълум қилади.

Юқорида қўшиб олинган бошқармаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Мурожаатлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Корасарой 65-уй. Тел: 148-14-61, 148-14-63.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18996 Буюртма Г— 414

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

23456